Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
7 ИЮЛЬ, 1969 й.
ДУШАНБА
№ 157. (921)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

◆ ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛЯПТИ

«Ўзбексельмаш» заводининг Б. Сорокин бошлиқ 4-механикаийғув цехи ишчилари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Улар «СТХ 4 Б» ва «СЧХ—4 А-1» маркали сеялкалар учун турли хил эҳтиёт қисмлар тайёрламоқдалар.

Корхонанинг энг йирик бу цехида ўз зиммаларига оширилган шахсий мажбурият олган ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Бу меҳнатсеварлар доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейига шахсий меҳнат совғалари тайёрлашга бел боғлаганлар. Цехнинг М. Исабеков. Н. Исломов, В. Добинин сингари меҳнатда пешқадамлари эса кунлик топшириқни 130—140 процентдан адо этиб доҳий юбилейига муносиб армуғонлар тайёрламоқдалар. Улар 29 хилдан ортиқ эҳтиёт қисмлар тайёрлашга ҳисса қўшишяпти.

◆ *Театр сафарда*

МОСКВА ГАСТРОЛИГА

Алишер Навоий номли ўзбек Давлат Катта опера ва балет театрининг коллективи Ватанимиз пойтахти Москвага жўнаб кетди. Шу муносабат билан театр директори, Ўзбекистон ССР халқ артисти Фазлиддин ШАМСУДДИНОВ мухбиримизга бундай деди.

— Ўтган йилнинг декабрь ойида Большой театр ижодкорлари Тошкентга келиб, театрларимиз саҳнасида қизиқарли томошалар кўрсатган эдилар. Энди эса жавоб визити билан бориш навбати тошкентлик санъаткорларга келди.

9 июль куни Большой театр саҳнасида коллектив: тимиз композитор Собир Бобоевнинг «Ҳамза» операсини кўрсатиш билан бир ойлик гастролини бошлайди. Гастрол давомида «Зулмат дан зиё», «Майсаранинг иши», «Севги тумори», «Суҳайл ва Меҳри» «Қирқ қиз». «Спартак», «Корсар», «Анда», «Трубадур», «Пиковая дама» каби бошқа опера ва балет асарларини намойиш қиламиз.

Гастролда СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова. Галя Измайлова. Саодат Қобулова ҳамда етук санъаткорлардан Б. Қориева. А. Азимов, К. Юсупова, С. Беньяминов, Ж. Қосимов ва бошқа бир қатор талантли артистлар қатнашадилар.

Театр биринчи марта катта репертуар программа билан сафарга чиқди. Биз санъаткорлар Москвада йирик корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари билан учрашамиз, ўз ижодий режаларимиз ҳақида гапириб берамиз.

Сафаримизнинг яна бир қувончли жойи шундаки, РСФСР шаҳарларида доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати декадасида иштирок этамиз. Шу кунлари ажойиб операларимизни москвалик томошабинлар диққатига ҳавола қиламиз.

◆ *Диққат: янгилик!*

ЦУМда ТЕЛЕВИЗИОН БОШҚАРУВ

Марказий универсал магазинининг директори К. Абайхонов одатдагидек эрталаб ишга келди. У ҳар сафар магазин қаватларида бўлиб, савдо бўлимларининг иши билан танишиб чиққач, ўз кабинетига йўл оларди...

Бугун

у магазин қаватларини айланиб чиқмади, балки кабинетида ўтириб аппаратларнинг тугмаларини боса бошлади.

Хона бурчагидаги телевизорларда магазиннинг барча залари кўрина бошлади. Директор худди футбол репортажини кўраётгандек диққат билан бўлимларнинг ишини кузата бошлади.

Магазин қаватларида 18 телевизион камера ўрнатилган. Улар орқали автоматик равишда исталган савдо бўлимини кўриш мумкин.

—Магазин директори К. А. Абайхонов биз билан суҳбатда бундай деди:

Магазинимизда мингдан ортиқ савдо ходими ишлайди. Биз ишни ташкил қилиш ва уни бошқаришда техникадан самарали фойдаланяпмиз. Венгрия Халқ Республикасидан саноат телевизион аппаратларини сотиб олдик. Бу мўъжизали аппаратлар ишга жуда яхши ёрдам беради. Бир жойдан туриб ҳамма бўлимларни кузатиш, уларнинг камчиликларини ўрганиш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир савдо ходимининг ўз ишига масъулияти яна ошади, харидорлар билан ҳушмуомала бўлади.

Бундай телевизион аппаратларни, шунингдек саноат корхоналарида, ресторанларда жамтабларда, институтларда ва бошқа муассасаларда ҳам ўрнатиш мумкин.

◆ *Бизнинг интервью*

КАТТА РАҲМАТ

Ян Збигнев ПАСТУШКА, Польша Халқ Республикаси кинематография Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Серқуёш Ўзбекистонда Польша Халқ Республикаси фильмлари фестивали ўтказилаётганлигидан бе-ҳад хурсандмиз.

Республикамиз фильмлари жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида намойиш қилинган. Айниқса, картиналаримизни Совет Иттифоқида қизғин қарши олишади. Республикангизда фильмларимиз фестивали бўлиши бизнинг маданиятимизга бўлган қизиқишини кўрсатиши билан бирга маданий алоқаларимизни янада мустаҳкамлайди.

Бизнинг кино студияларимизда яратилган «Париж — Варшава «визасиз», «Берлин йўналиши», «Мажбурий сайр», «Қашқир паъраси». «Алвастилар дараси» «Уйга ордер олган одам» каби фильмлар ўзбек томошабинларига манзур бўлянти.


Буни эса Тошкент кинотеатрлари нинг залларини тўлдириб ўтирган томошабинлар кайфиятидан ҳам билса бўлади. Биз кинофестиваль кунларида «Ўзбекфильм» студиясидаги ҳамкасбларимиз билан учрашдик. Улар «Тошкент — нон шаҳри» фильмини қўйиб беришди. Гапнинг очигини айтганда, асар бизга манзур бўлди. Ўзбек киночилари ўз услубларини яратиб, кино санъатининг мураккаб сирларини яхши эгаллаб олишган. Дўстлар мазмунли ижодлари билан совет кино санъатининг юксалишига муносиб ҳисса қўшишган.

Фестиваль кунларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари билан танишдик. Таассуротларимиз бир талай. Самарқанддаги қадимий архитектура ёдгорликлари бизга жуда ёқди. Бундан ташқари ҳозирги замонавий биноларнинг қурилиши ҳам кишини ҳайратда қолдиради.

Польша кинематографчиларига кўрсатган илтифот ва марҳаматларингиз учун сиз қардошларга катта раҳмат деймиз!



Бугунги Тошкент.
СУРАТДА: Алишер Навоий кўчасининг манзараси.
Х. Ҳайитмуҳамедов фотоси. (УзТАГ фотохроникаси).



◆ *Бизнинг интервью*

ҚУРУВЧИЛАР МАМНУН

П. С. ВАСИЛЕНКО,
2-қурилиш механизация трестининг бошқарувчиси:

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш, турмушини яхшилаш ҳақида тобора кўпроқ ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларида кўзга ташланмоқда.

Шу йилнинг бошида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва СССР Министрлар Совети яна бир муҳим ҳужжат —бинокорлик саноати ва қурилишда банд бўлган ишчилар ва бошқа хизматчиларнинг иш ҳақини ўртача 25 процентгача ошириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Партия ва ҳукуматнинг муҳим ҳужжати 1 июлдан кучга кирди. Шу муносабат билан мухбиримиз шаҳримиздаги иккита қурилиш трестининг раҳбарларига мурожаат қилиб, улар бошқараётган ташкилотда нима ишлар қилинаётганлигини гапириб беришни сўради:

Н. ХАКИМОВ,
«Главташкентстрой»га қарашли 1-«Строймеханизация» трестининг бошқарувчиси:

Бош бошқарма ва трестимиз муҳим ҳужжат эълон қилингандан буён катта ташкилий ишларни амалга оширди. Қурилиш механизацияси бошқармалари ва участкаларида ҳар бир механизатор ва бошқа касб эгаларининг иш ҳақлари, уларга қўшимча бериладиган ҳақлар қатъий ҳисобга олинди.

Бу ҳужжат қурувчиларимиз томонидан зўр мамнунлик билан қутиб олинди. Ҳисобларга кўра, трестимиздаги 1650 ишчининг ўртача иш ҳақи 11 процентдан 13 процентгача кўпаяди. Ярим йил мобайнида механизаторларимиз ҳаммаси бўлиб, 800 минг сўмдан кўпроқ қўшимча иш ҳақи оладилар.

Масалан, Николай Никитович Девятов, Ваҳоб Ҳожиматов, Тўра Жўраевларнинг ҳар бири илгари ойида 150 сўмдан иш ҳақи олишаётган бўлса, эндиликда улар 200 сўмдан, ҳатто ундан ҳам кўп иш ҳақи олишади. Ўз-ўзидан маълумки, бу онла бюджетида жуда катта роль ўйнайди. Ишчиларнинг маданий дам олиши, курорт ва санаторийларга бориплари учун, ўз турмушларини яхшилаш ва янги мебеллар сотиб олишлари учун қўшимча маблағдир.

П. С. ВАСИЛЕНКО,
2-қурилиш механизация трестининг бошқарувчиси:

Трестимиз механизаторлари ва ишчилари партия ва ҳукумат қарорини зўр мамнунлик билан қутиб олишди. Эндиликда ҳар бир механизаторнинг ойлик иш ҳақига 12, 13 процент, ҳатто ундан ҳам кўпроқ қўшилади. Трестимизнинг кам ва ўртача иш ҳақи олаётган техникавий ходимлари ва бошқа устахоналардаги ремонт билан банд бўлган ходимлари ҳам бундан баҳраманд бўлади.

Икки минг кишилик коллективнинг иш ҳақини аниқлаб чиқиш ва график тузишда трестимиз экономистлари, бухгалтерлари ва бошқа мутахассислари ҳар бир участка ва ҳар бир бошқармада олти ой тинмай иш олиб бордилар. Мана ниҳоят ишга якун ясалди. Йил охиригача коллективимиздаги барча кишиларга 800 минг сўмдан ортиқ устама ҳақ тўланади. Бундан ташқари ишчи ва хизматчилар объектларни муддатидан олдин қўлдан чиқарганликлари учун мукофот оладилар.

◆ МАМЛАКАТ БУЙЛАБ ПРАКТИКАГА

Студентлар сафари

Низомий номидаги Давлат педагогика институтининг химия-биология факультети IV курс студентларидан 75 йигит-қиз мамлакат бўйлаб педагогик практикага жўнаб кетишди. Улар Ватанимизнинг кўпгина йирик шаҳарларида бўлишиб, ўсимликлар химиясн. тупроқ ва ҳайвонот дунёсининг тузилиши ҳамда тарих ва биологияси билан танишадилар.

Қизиқарли педагогик практикага институтнинг катта ўқитувчиси, доцент А. Умарова ва ўқитувчи Г. Маҳкамовлар раҳбарлик қиляпти. Практика маршрути: «Тошкент — Краснодск —Боку— Ботуми — Тбилиси — Москва — Ленинград — Тошкент».

Шунингдек, институтнинг тарих-география ва табиият-география факультетларининг IV курс студентлари ҳам ўз назарий билимларини практик тажрибадз синаш учун мамлакат бўйлаб сафарга чиқишди.

Барча факультет студентларининг бу саёҳати 40 кун давом этади.

ЯНГИ ИППОДРОМ ҚУРИЛАДИ

Ўтган йили лойиҳачиларимиз учун кўп йиллик илмий текшириш, изланишларни жамлаш даври бўлди. Текшириш ва изланиш янги ипподром лойиҳасини асослаш имконини берди. Бундай улкан иншоотни бунёд этиш учун лойиҳачилар қурувчилар олдига катта вазифалар қўйдилар.

Яқин йиллар ичида пойтахтимизнинг шимолий-ғарб қисмида мамлакатимизда энг йирик янги ипподром қурилиб, фойдаланишга топширилади. Ипподромнинг умумий майдони 160 гектарни ташкил этади. 10.000 томошабин сиғадиган бу янги ипподромнинг 5.000 ўринлик жойи соябонли бўлади. Ипподромда меҳмонхона ҳам бўлади.

Ҳамшаҳарларимиз маданий хордиқ чиқаришлари учун 0,7 километр узунликда кўл қурилиб, унинг қирғоғида 100 ўринлик чойхона қад кўтаради.

Келажакда янги ипподромда мотобол. картинг, (кичкина енгил автомобиль) пойгалари, ўзбек миллий улоқ мусобақалари ўтказилади.

Лойиҳачилар ипподромга боришнинг энг яқин ва қулай йўллари ҳақида ҳам ўйлашди. Бу ерга томошабинларни 18-трамвай ва 33-автобус олиб боради. Шу кунларда қурувчилар янги объектда ишни бошлаб юбордилар.

СУРАТДА: ипподром трибунаси макети.

М. Мирмуҳамедов фотоси.

ВИЛЬНЮСГА— МУСОБАҚАГА

Эртага Литва ССРнинг пойтахти Вильнюсда мактаб автомоделчилари нинг бутуниттифоқ мусобақаси бошланади.

Кеча

шу мусобақада қатнашиш учун республикамиздан 8 ўқувчи Вильнюсга жўнаб кетди.



МАРРАДАН ЎЗИБ

Охунбобоев майдонидаги шаҳар универсал магазини қурилишида иш қизғин давом этмоқда. 11-«Висотстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг В. Сааков бошлиқ биринчи участкасининг 80 кишилик коллективи магазин қурилишида ой ва квартал учун белгиланган планларни ошириб бажармоқда. Чунончи, 2-квартал плани 110 процент бажарилди.

Ҳозир бинонинг учинчи қавати учун арматуралар ўрнатилиб, бетон ётқизилмоқда. Е. Карпузис ва В. Спиринков ўртоқлар бошчилигидаги бригадалар ва айниқса, ғишт терувчи И. Момуҳаев, пайвандчи Ю. Ким. бетончилардан Валентина Пронина, Роза Сапожникова ва бошқалар ғайрат қилаётирлар.

— Участкамиз коллективи, — дейди иш боши Д. Шамсуддинов, — йиллик планни 120 процент бажаришга аҳд қилган. Шу сабабли коллективимиз магазин биноси қурилишида иш суръатини ой сайин тезлатмоқда.

Тун чироқлари ёнганда

ТЕАТРЛАШГАН БАЙРАМ

«Меҳнатни шарафлаймиз» деган театрлашган катта байрам Киров номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Байрам бу ерда дам олувчиларда катта таассурот қолдирди. Меҳнат ва шон-шараф ҳақидаги бу байрамда Сергели ва Фрунзе райони саноати экспонатлари кўргазмаси очилди.

Кеча

боғда тун чироқлари порлаганда шу районларнинг тўқимачилик комбинати, пойафзал фабрикаси, темир-бетон буюмлар маҳсулоти заводининг энг яхши ишчи ва хизматчилари концерт берди. Ўзбек халқ рақслари ансамбли ижро этган рақслар, ёш артистларнинг қўшиқлари томошабинларга катта завқ бағишлади.

◆ ҚИШЛОҚ - ШАҲАРГА

ҲОСИЛ КАРВОНИ

Калинин районидаги «Тошкент» совхозининг миришкор деҳқонлари шаҳар аҳолисини ёз нозу-неъматлари билан таъминлашда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Совхознинг 2-бўлими ишчи ва ер ҳамшаҳарларимиз учун ҳар куни 6-8 тоннадан янги картошка ҳосили жўнатиб туришибди.

Шу райондаги Навоий номли колхозининг механизаторлари ҳам ўз маҳсулотлари билан шаҳар меҳнаткашларини ҳушнуд этишмоқда.

Бугун

хўжалигининг 2-участкаси миришкорлари шаҳар бозорлари ва жойлардаги дўконларга 40 тонна карам, пиёз ва сабзавот маҳсулотлари жўнатишди.

◆ ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Сайқалчилар туҳфаси

Бугун

коммунистик меҳнат зарбдори Эркин Сушатов бошлиқ 30-қурилиш бошқармасининг 2-пардозлаш бўлими сайқалчилари Башқир кўчасида қад кўтарган беш қаватли турар-жой биносига жило бериш ишларини тугатишди.

Бинонинг биринчи қавати «Ўзбексельмаш» заводи учун шифохона бўлиб, қолган тўрт қаватига қишлоқ хўжалиги машинасозларидан 60 оила кўчиб киради.

Илғор пардозчилардан А. Черников, А. Шукуров. Ҳ. Иброҳимов, К. Бакаладиналар смена топшириқларини 1,5-2 ҳиссага етказиб адо этаётирлар. Сайқалчилар сентябрь ойигача яна икки янги мактабни ремонтдан чиқариб, болаларни хушнуд этишга ҳаракат қилишяпти.



ЙИРИК ШАҲАРЛАР БЎЙЛАБ

Кинорежиссёр Борис Хўжаев бундан бир неча йил муқаддам Европа шаҳарлари бўйлаб «Волга» машинасида саёҳат қилган эди. Кинорежиссёр шу саёҳат давомида «Йўллар чорлайди» деган фильм яратган эди. Асарни кино ишқибозлар илиқ кутиб олишди.

Борис Хўжаев яна бир катта сафарга отланди. Унинг саёҳати доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланади. Шунинг учун ҳам саёҳат маршрутида доҳий яшаган ва ижод қилган жойларни зиёрат қилиш кўзда тутилган.

Тошкент, Оренбург, Чкалов, Куйбишев, Москва, Минск, Брест, Варшава, Берлин, Прага, Будапешт каби шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари суратга олинади. Уч ой давом этадиган сафарга «Гидроингео» институтининг аспиранти Аҳад Зокиров ҳамроҳлик қилмоқда.

Саёҳат асосида тайёрланган фильм «Билимлар уйи»нинг кино саёҳатлар клубида намойиш қилинади.

СУРАТДА: ўзбек саёҳатчилари кино режиссёр Борис Хўжаев ва аспирант А. Зокиров сафарга жўнаш олдида.

* * *

Совет Иттифоқи ва жаҳоннинг йирик шаҳарлари бўйлаб мана шу «Волга» машинасида саёҳат қилинади.

М. Нуриддинов фотолари.



Дунё ХАБАРЛАРИ

МИС ЯНА КЎПАЯДИ

ВАРШАВА. Икки янги катта «Любин» ва «Полковице» конлари Польша республикасининг халқ хўжалигига бу йил икки миллион тонна мис рудаси етказиб беради.

Халқ хокимияти барпо этилгандан буён ўтган 25 йил мобайнида мис чиқариш мамлакатда саноатнинг янги ривожланаётган тармоғи бўлиб қолди. Мис қуйиб чиқарувчи «Легница» заводи тўла қувват билан ишламоқда.

МАВСУМИЙ МАКТАБЛАР

УЛАН-БАТОР. Халқ монголиясида ишчилар ва чорвадорларнинг умумий билимини ошириш тўғрисида Монголия Халқ революцион партияси IV съездининг қарорлари муваффақият билан амалга оширилмоқда. Улар учун жуда кўп доимий кечки, шунингдек мавсумда ишлайдиган мактаблар ва турли курслар очилган.

Ўтган йили шу мактаблар ва курсларда қарийб 18 минг киши таълим олган. Мамлакатда чорвачилик отарларида қишлоқ меҳнаткашлари учун кўпгина мактаблар ишлаб турибди, ҳамма аймоқларда мавсумда ишлайдиган мактаблар ташкил қилинган.

ЗАВОДНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

БЕЛГРАД. Карловаце шаҳарида буғ турбиналари ва дизель двигателлари ишлаб чиқариш билан Югославияда машҳур бўлиб қолган «Югоturбина» бу йил ўзининг 20 йиллигини нишонлайди. Шу корхона коллективи деб ёзади «Борьба» газетаси, ўтган 20 йил мобайнида 100 га яқин буғ турбиналари 700 та ғоят кучли дизель двигателлари ва юзлаб ҳар хил насослар ишлаб чиқарди.

● *Ленинча меҳнат вахтасида*

ЁШЛАР АВАНГАРД



ТРАКТОР йиғув заводининг кўп минг кишилик меҳнат аҳли беш йилликнинг тўртинчи йилида ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришиш учун курашни авж олдирган. Бунда заводнинг комсомол-ёшлари ҳиссаси ҳам катта бўляпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қишлоққа кўплаб машиналар етказиб бериш тўғрисидаги қарорини амалга ошираётган коллектив доҳий 100 йиллиги юбилейи шарафига социалистик мусобақани янада авж олдириб юборди. Бу йил она-Ватанга 22 минга «Т-28Х4» тракторни етказиб беришдек улкан вазифани амалга оширишда корхонанинг ишчилари, инженер-техник ходимлари қатори ёшлар ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда.

Айни пайтда заводда машъал бўлган Л. Хунун бошлиқ механика-йиғув цехи азаматларининг ғайрати айниқса жўш урмоқда. Улар пахтачилик учун мўлжалланган «Т-28Х4» трактори ишлаб чиқаришни пухта ўзлаштириб олишган. Бу трактор пахта ҳосилини механизация воситаси билан йиғиб-териб олишда пахтакорларга жуда қўл келмоқда. Чунки, «Ташсельмаш» заводида тайёрланаётган «Ўзбекистон» тўрт қаторли пахта териш машинаси фақат шу тракторга тиркалади. Пармаловчи В. Самарин, пардозловчи А. Пражков, токарь А. Данилов, йиғувчи-слесарь Д. Гофурбоев сингари қалби меҳнат ишқи билан тўлиб-тошган азаматларнинг ишлари мақтовга сазовордир. Улар смена топшириқларини доимо 1,5-2 ҳиссага етказиб ado этишяпти.

Корхонада сменалараро соцналастик мусобақа авж олмоқда. С. Мадумаров, В. Федоров ўртоқлар бошлиқ смена коллективлари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб катта ютуқларга эришмоқдалар.

Ёшлар доҳий юбилейи олдидан шахсий мажбурият олишган. Сменадан ташқари вақтда 2 та «Т-28Х4» трактори йиғиб беришга аҳд қилган П. Чугуев, Н. Цеверступовларнинг ташаббуси ҳозирги кунда корхона бўйлаб кенг қанот ёзган. Тўрт йиллик шахсий топшириқларини муддатидан олдин бажарган меҳнат зарбдорлари вахтада туриб юбилей йили ҳисобига маҳсулот бермоқдалар.

Фидокорона меҳнат қилаётган ишчилар бўш пайтларини кўнгилли ўтказишмоқда. Корхона цехларида тез-тез ветеранлар билан учрашувлар ўтказилиб турилибди. Бу учрашувларда ёшлар ишчилар синфига қабул қилинадилар, уларнинг меҳнат активлигини ошириш, коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялаш бўйича ҳар хил тадбирлар ўтказилади.

А. ИНОҒОМОВ.

● *Капитал қурилишига эътибор*

Муҳим ҳужжат

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қурилиш масалалари юзасидан қабул қилган ва яқинда матбуотда эълон қилинган қарорлари капитал қурилиш ишини тубдан яхшилашда жуда катта аҳамиятга эга бўлган программ ҳужжатлардир.

Маълумки, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда капитал қурилиш асосий ўринни эгаллайди. Республикамизда ҳар йили бир миллиард сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаётир. Бу улкан қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ва смета ҳужжатларини яратишда 300 мингдан ортиқ ишчи, 50 мингга яқин инженер-техник ходимлар ишламоқда. Бу катта армия ишини янада яхшилаш фақатгина иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масала бўлиб қолмай, катта сиёсий масала ҳамдир.

Иморатнинг бучёдга келиши авало унинг лойиҳасини чизишдан бошланади. Лойиҳа қанчалик яхши тузилган бўлса, иморат шунчалик мустаҳкам, чиройли ва арзон бўлади. Шунинг учун лойиҳа ва смета ишларини яхшилаш жуда катта аҳамиятга эга.

Қабул қилинган лойиҳа ва смета ишларини яхшилаш ҳақидаги қарорда бир қанча катта ва жуда фойдали тадбирлар амалга оширилган.

1971 йилдан бошлаб лойиҳа ишларидаги ҳисоб-китоб тугалланган лойиҳа ёки унинг белгиланган айрим қисмини бўйича олиб борилади. Бу тадбир лойиҳа институтлари ишидаги ҳозирги кунда юз бераётган катта камчилик — бир вақтнинг ўзида бирнечта объектлар лойиҳаси устида ишлаб, уларни тугаллашни чўзиб юбориш каби камчиликнинг йўқотишга қаратилган.

Бундан ташқари лойиҳа ва смета ташкилотлари ходимларининг ишларини яхшилашда уларни иқтисодий рағбатлантириш, объектлар муддатидан илгари топширилганда умумий мукофотни илгариги 2,5 процент ўрнига 5 процент қилиб белгилаш ҳам шу камчиликни йўқотишга қаратилган.

Лойиҳа ва смета муддатини яхшилашда белгиланган ҳар йили бериладиган 60 та йирик пул мукофоти жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу мукофотга сазовор бўлиш учун албатта, катта-кичик барча лойиҳа ташкилотлари курашадилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган уй-жой-граждан қурилиши сифатини ошириш тадбирлари ҳақидаги қарор ҳам жуда ҳам ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатдир.

Қарорда кўрсатилган, ҳозирги вақтда бу ишда юз бераётган камчиликлар Тошкент қурилишларида ҳам мавжуд. Масалан, Чилонзор массиви асосан бир хил кўринишга эга бўлган йирик панелли уйлардан қурилган ва шу сабабли гўзал эмас. Ундан ташқари охирги вақтда қурилишда фақат сонга аҳамият берилиб, сифат иккинчи даражали масалага айланиб қолган эди. Қурилаётган иморатларда республикамизда жуда катта миқдорда топилган хилма-хил безакторшлардан жуда кам ишлатилади. Иморатларнинг ташқи томонларини оддий цемент қоришмаси билан суваш одат бўлиб қолди. Ундан ташқари ҳозирги замон саноатимиз шундай ажойиб сунъий безак плиткалар ишлаб чиқарадики, улар табиий тошлардан устунлик қила олади. Фақат шу плиткаларни ишлаб чиқаришни кўпайтирмаслик, лойиҳа тузишда иморатларни ҳаддан ташқари соддалаштириб юбориш, базакка етарли аҳамият бермаслик қарорда кўрсатилган камчиликларнинг юз беришига олиб келган.

Қарорда уй-жой қурилишида оилалар таркибига ҳар хиллигини эътиборга олиш, квартираларни бирваракайига ошхона, шкаф ва анжомлари билан жиҳозлаш, зоналар полига гиламлар тўшаш каби тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Бу икки қарор капитал қурилишини яхшилашда, лойиҳа ва смета ишларини такомиллаштиришда, қурилиш сифатини тубдан ўзгартиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

М. ҒАНИЕВ,
«Ғазаватшкентстрой» «Оргтехстрой» трестининг бошқарувчиси.

Тошкентнинг янги жамоли





Тошкентда ер қимирлаганига уч йилдан ошди. Шу вақт ичида пойтахтимизнинг жамоли таниб бўлмас даражада ўзгарди. Чапдаги суратга бир назар ташланг: уч йил илгари шаҳар маркази ана шундай эди. Энди ўнгдаги суратга қаранг — бу Тошкентимизнинг янги жамоли. Қандай қувончли ўзгариш-а!

С. Безносов фотолари.



Илья Гендельманнинг «Ташхимсельмаш» заводида ишлай бошлаганига 10 йилдан ошди. Корхонага биринчи бор қадам қўйганда ҳеч қандай малакаси бўлмаган Илья ҳозир тажрибали токарь, коммунистик меҳнат зарбдори. Беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари бажаришга ҳаракат қилаётган бу йигит смена топшириқларини 160—180 процентга етказиб ado этмоқда.

СУРАТДА: И. Гендельман.

● *Сўз—касаба союз етакчиларига*

ЖОНКУЯРЛАР

Ҳозирги бепоён мамлакатимизнинг ҳамма ерида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси қизитиб юборилган. Фабрикамиз марди-майдонлари ҳам бу улуғ йўлда астойдил ҳаракат қилиб, мусобақанинг олдинги сафларида бўлишга интиляптилар.

Ойна фабрикамиз республикамизда шундай маҳсулот ишлайдиган ягона корхона бўлганлиги учун ҳам коллектив зиммасига катта, фахрли вазифа юклатилган. Улар республика мебель саноати бошқармасига қарашли корхоналарни ойна ва шунга ўхшаш зарур буюмлар билан таъминлашади.

Ўз вазифасини яхши тушунган корхона коллективи ҳозир ҳар қачонгидан ҳам активлик билан меҳнат қилмоқда. Фабрика цехларида турли катталикдаги ойналар тайёрланиб, буюртмачиларга жўнатилиб турилибди.

Ишчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа уюштириш, уларни моддий ва маънавий томондан рағбатлантириб боришда фабрика ишчилар комитети катта роль ўйнаяпти.

Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янги техника воситаларидан унумли фойдаланиш, рационализаторлик ва ихтиочилик таклифларини жорий этиш туфайли меҳнат унумдорлигини 15—18 процентга ошириш мўлжалланмоқда. Ўтган йили ҳам ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги 18 процентга кўпайган эди. Ҳар квартал охирида социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, меҳнат ғолибларини аниқлаб борамиз. Уларнинг энг илғорларига «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган фахрли ном берилади.

Меҳнатга ижодий ёндошиш ўз самарасини кўрсатмай қолмаяпти. Аҳил коллективимиз ярим йиллик планни муваффақиятли бажариб, янги марралар сари бормоқда. Шу давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи қарийб уч процентга арзонлаштирилди.

Жонкуярлар деб ном олган ишчилар комитети, активлари бундан буён социалистик мусобақани янада самаралироқ йўлга қўйиш учун барча чора-тадбирларни кўради.

Р. ЛОСКУТОВА,
Тошкент ойна фабрикаси ишчилар комитетининг раиси.

● *Янгилик—ишлаб чиқаришга*

САМАРАЛИ НАТИЖА

Ёш техник ижодкорлар Марказий кўргазмасининг Бош комитети механизациялашган юк ортиш-тушириш Тошкент дистанциясини халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг III даражали дипломи билан мукофотлади.

Механизациялашган юк ортиш-тушириш дистанциясининг ҳодимлари механизмларни ўз кучлари билан гарантияли ремонт қилишни кенг жорий этдилар. Бу тадбирнинг амалга оширилиши натижасида юк ортиш-тушириш ишлари таннархи 6 процент камайтирилди, меҳнат унумдорлиги 9 процент ортди.

Янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этишда айниқса дистанция бошлиғи Х. Ғафуров бош инженер Ю. Погосов, устахона бошлиғи В. Зиновьев, мастерлардан С. Фионев ва Н. Зайцев, электрогаз пайвандчи В. Тихомиров каби жонкуярлар ўз меҳнатлари билан намуна кўрсатдилар.

В. ДМИТРИЕВ.

ЯНГИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ

Қуйбишевдаги керамзит илмий-тадқиқот институтининг ходимлари кўндаланг қирқимли асалари уясига ўхшайдиган янги бинокорлик материали ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштирдилар.

Янги материал жуда енгил ва пишиқдир. Алюминий билан қопланган ва қалинлиги 10 сантиметр, юзи 4 квадрат метрдан зиёд деворни биринчи бўлиб Татористон ва Тюмень нефтчилари синаб кўрдилар. Улар материалга юксак баҳо бердилар. Челябинск металлургия заводининг тара цехи шу янги материал-сотопластдан қурилди.

● *6-шаҳар медицина тез ёрдам кўрсатиш станциясининг Киров ва Куйбишев районлари меҳнаткашларига яхшн медицина хизмати кўрсатмоқда.*

Станцияга кўп йиллардан бери тажрибали врач Г. С. Шапиро бошчилик қилади.

СУРАТДА: медицина ходимларидан фельдшер Ҳусниддин Ҳанимов, врач Анна Томасова ва шофёр Тешабой Асилхўжаев ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотолари.



ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

КУН ҚАТТИҚ ИСИГАНДА...

Гўзал диёримизни серқуёш Ўзбекистон деб бежиз айтмайдилар. Ёз кунлари ҳарорат тобора кўтарилиб, ер кўк тандирдек қизиб кетади, бу иссиқда мевалар шарбат боғлайди, жўяклардаги қовун-тарвузлар етилиб тарс-тарс ёрилади.

Лекин ўта қизиб кетган ҳаво, тупроқ ва бутун борлиқ киши саломатлигига мувозанатдаги ҳолатига таъсир этмай қолмайди. Айниқса, иссиққа кўникмаган кишилар қаттиқ безовта бўлишади.

Ўз-ўзидан маълумки, баъзи бир кишиларда терлаш етарлича бўлмайди, оқибат-натижада организм қизиб кетади, айрим кишилардан эса тер қуйилиб келади.

У ёки бу шароитга мослашиб қолган одамларнинг организми оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, қанча намлик лозим бўлса шунча терлаб, буғлатиб туради.

Маълумки, иссиқлашдан сақланиш учун биринчидан, киши ўз организмини чиниқтириши, танадаги мавжуд намликни тежаб-тергаб сарфлашга одатланиши, иккинчидан, танадан тер билан чиқиб кетган керакли моддалар ўрнини тўлдириб туриши лозим.

Қисқача айтганда, иссиқ пайтда қайноқ чой ичиш керак. Аммо қандай ва қанча миқдорда? Бу саволнинг жавоби қурувчилар, хазина изловчилар, нефтчилар, пахтакорлар, механизаторлар ва шафқатсиз қизидириб турган қуёш нурлари остида ишлашни талаб қилган барча касбдаги кишиларни қизиқтиради. Шунингдек, у бутун йил давомида иссиқлик ҳарорати юқори бўлган цехларда меҳнат қилаётган ишчиларни ҳам ҳаяжонга солади.

Баъзи бир ишлаб чиқариш операцияларини бажаришда ишчи организмининг ҳарорати 1,5—2 градусгача, томир уриши 100—140 гача етиши артерия қон босимининг пасайиши, тез чанқаб қолиши, бекордан-бекорга бўлмайди, албатта. Республика гигиена, санитария ва профилактика илмий-текшириш институтининг ходимлари цехларда ҳавонинг иссиқлик ҳарорати 28 дан 34 градусгача бўлганда тўқимачининг меҳнат унумдорлиги 25 процентгача пасайишини аниқладилар. Москвадаги заводлардан бирининг прокатчилари февраль ойида июлдагига нисбатан 6—21 процентгача кўп маҳсулот берган, аниқланишича июль ойида жуда иссиқ бўлган экан.

Ҳарорати иссиқ бўлган цехларда енгил ва ўртача оғирликдаги операцияларни бажарган ишчига эса (у смена давомида 3, 5—4 килограмм ўз намини йўқотади) газ суви, қуритилган мевалардан тайёрланган ва витаминлаштирилган ичимликларни ва нон квасини ичиш, мақсадга мувофиқдир. Айниқса, таркибида кофеин, танин, шунингдек баъзи бир витаминлари мавжуд бўлган, иссиқ ва совутиб қўйилган чой ичиш маъқул. Чой актівлик билан ташналикни бостиришга ёрдам беради. Лекин чойни шошилмасдан, хўплаб ичиш лозим. Украинанинг бир қатор заводларида нон квасига бирмунча ўхшаш бўлган витаминли-оқсилли ичимликдан муваффақиятли фойдаланиш амалга оширилмоқда.

Очиқ ҳавода меҳнат қилувчилар энг яхшиси қайноқ чой ёки унинг музлайдиган ичгилари тузук. Аммо у бир-икки стакандан ошиб кетмасин. Шундай қилинганда томоқ қақраши кескин камаяди.

Очиқ ҳавода иссиқда ишловчи кишининг кийган уст-бош ва оёқ кийимлари ҳам меҳнат самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Шундай экан, унинг костюми терининг буғланишига имкон берувчи ҳамда ҳаво бемалол алмашиниб туришга тўсқинлик қилмайдиган, кенг бўлиши керак. Костюм ёки бошқа устки кийимнинг материали оқиш рок. Қуёш нурларини ўзида синдирувчи бўлишига эътибор берилса дуруст. Бош кийими ҳам юқорида айтилгандай оқ, соябонлари кенг бўлса мақсадга мувофиқдир. Айтилганларнинг барчаси ҳам иссиқда ишловчининг меҳнат қобилиятини ҳар томонлама яхшилашга ёрдам беради.

Э. ЮСУПОВ,
Республика санитария-маорифи уйининг бош врачи.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Боғ қўйнида

«Ғалаба» боғидаги кўл устига ўрнатилган 200 ўринли 8-ошхона доим хўрандалар билан гавжум.

Кўлнинг бир чеккасига тўсиқ ўрнатилиб, балиқ овлайдиган махсус «ҳовуз» қилинган.

Бундан ташқари янги «Ветерок» қаҳвахонаси ҳамда ҳар куни 5 минг дона нон ёпадиган нонвойхона қурилиши авжида.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.

Йўловчилар хурсанд

«Тошкент — Чирчиқ — ГЭС» шаҳарлараро поезди Қодирия станциясида ҳам тўхтайди. Баҳаво, хушманзара станцияда шаҳардан Чирчиққа, Чирчиқдан шаҳарга кетаётган йўловчилар мириқиб дам олишади.

Чойхона, ошхона, буфет хизматидан йўловчилар, станция ишчи-хизматчилари, Ормонжидзе район меҳнаткашлари маънунидирлар, «Дўрмон» сельпоси ходимлари ҳамиша йўловчилар, дам олувчилар хизматида бўлиб, улар раҳматига сазовор бўлишяпти.

И. РУСТАМОВ.

Ота-оналар кечаси

Октябрь районидаги 1-мактаб биносида «Социализм», «Ўзган» «Пичоқчи» «Муқимий» маҳалла ота-оналарининг йиғилиши бўлди. Кечада Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири С. Саидаҳмедов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Шарафидинов ва жамоат ташкилотларининг вакиллари В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти намунасида болаларни тарбиялаш масалаларида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Кечада маҳаллалардан 500 дан ортиқ ота-она қатнашди.

К. ҲАМРОЕВ.

Ёз-ўтмоқда соз

ЁЗ ГАШТИ

ПИОНЕРТАХТИМИЗДАГИ «Буревестник» пионерлар лагерини ким билмайди дейсиз. Яқинда бу хушманзара лагерь болаларга ўз бағрини очди.

Катта дарвозадан кирар экансиз, димоғингизга гулларнинг ёқимли ҳиди урилади. Лагерда меҳнаткашларнинг 150 дан ортиқ фарзандлари ёз гаштини суришмоқда.

— Лагеримизда болалар спортнинг ҳамма турларн билан шуғулланишади, — дейди лагерь бошлиғи В. Н. Утешов. — Болалар айниқса футбол, волейбол, гимнастика секцияларига қизиқиб қатнашмоқда. Ўқувчилар ҳар турли китобларни ўқийдилар ва саёҳатларга чиқиб турадилар.

Лагерда турли хил мусобақалар ҳам уюштириб турилади.

Қуни-кеча «Буревестник» лагери футболчилари ўз майдонларида А. Набиев номли шаҳар пионерлар уйининг футболчиларини қабул қилди. Бу ўйинда пионерлар уйи футболчиларининг қўли баланд келиб, 4:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

А. ЗОҲИДОВ.

Ғалкамиз ёзги янгиликлари

СУВ НОБУДГАРЧИЛИГИГА ҚАРШИ

Ариқ-каналлардаги сув нобудгарчилиги кўп эканлиги маълум. Сув экинзорга етиб боргунча унинг ярми ерда тупроққа сингиб кетади. Майда лойқа зарралар бир-бирларига жуда зич ётиб, маълум даражада бетон қоплама ўрнини олиши мумкин. Лекин чўкинди лойқа суғориш мавсуми охирига боргандагина етарлича қалин ётади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқитувчиси А. Синякин сувнинг оқиш тезлиги оз бўлганида ушбу процесс анча тезланишини ҳисоблаб чиқарди. Башарти, каналга кираверишда сув тиндиргич қурилса, иш бундан ҳам тезлашади. Бундай тиндиргичда канал бетини «цементлаш» учун мутлақо яроқсиз йирик лойқа зарралар чўкиб қолади. (ЎзТАГ).

ЭТНОГРАФЛАР ЭКСПЕДИЦИЯСИ

НУКУС. Республика тарих-ўлкани ўрганиш музейининг этнографлар экспедицияси ўзлари борган жойлардан кўпгина қизиқарли топилдиқлар олиб келишди. Буларнинг орасида ранг-баранг тўр тўқималар, ўйрўзгор ашёлари, ёғоч ва бронзадан ясалган буюмлар, билагузуклар, нодир танга-чақалар бор.

Топилдиқларнинг энг қимматлилари ҳозир ўрганилмоқда.

(ЎзТАГ)



Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти қарамоғидаги Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми ҳар йили республикамиз хўжаликларига мутахассисларнинг катта отрядларини етказиб беради.

СУРАТДА: техникум ўқитувчиси Д. Мирсоатов II курс студентлари билан практика машғулотида. Х. Хайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ)

Тошкент оқшомида босилгандан кейин

«ТАРТИБ ЎРНАТИЛСИН»

Газетамизнинг шу йил 18 март сонида босилган «Тартиб ўрнатилсин» сарлавҳали материалда Ғафур Ғулом номидаги кино-театрдаги тартибсизликлар, сеанслар белгиланган вақтда бошланмаслиги танқид қилинган эди.

Кинотеатр маъмуриятидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета танқиди тўғри деб топилди. Материал кинотеатр ходимлари ўртасида муҳокама қилинди. Тартиб ўрнатишда камчиликларга йўл қўйган айбдорларга нисбатан чора кўрилди. Бундан буён аҳолига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилашга донр қатор тадбирлар белгиланди.

Июнь сонида

«Шарқ юлдузи»

«Шарқ юлдузи» журналининг 6-китоби босмадан чиқди. Журналнинг бу сони Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи билан очилади. С. Абдулла ва Мушкининг Ленин ҳақидаги шеърлари ҳам эълон қилинган.

Сиз журналнинг бу китобида П. Қодировнинг «Инсоф» пьесаси билан танишишингиз мумкин.

«Болалар адабиёти» сарлавҳаси остида кичкинтойларнинг севимли шоирлари ижодидан қатор намуналар берилган. Ҳ. Ёқубов, И. Мўмин, Ш. Саъдулла, Т. Йўлдош, Қ. Муҳаммадий. И. Муслим Н. Орифжонов, Д. Матжон, И. Сулаймон, О. Расулев, Ҳ. Раҳматиллаев, П. Муҳаммадёрова, О. Абдураҳмонов, Қ. Носирова, С. Абдуқаҳҳор, Р. Толиповларнинг шеър ва ҳикоялари болаларга бағишланган.

«Олтин ўра» ҳашар қиссасининг олтинчи ҳангомасини М. Хайруллаев ёзган.

«Замондошларимиз портрети», «Жаҳон классик адабиётидан», «Санъат» «Ҳаёт ва ёзувчилик маҳорати», «Танқид ва адабиётшунослик», «Хикмат дурдоналари». «Юбилярларимиз» «Тақризлар», «Гулқайчи» рубрикалари остида ҳам қизиқ-қизиқ материаллар бор.

Мўътабар Ленин

Бу олам ичра топди ҳурмату яхши назар Ленин,
Қай иш узра ул қўйди қадам топди зафар Ленин.
Ўзи ҳуб, ҳулқи хушли ҳам ёқимли феъли атвори,
Чуқур мазмунлик эрди сўзлари ширин шакар Ленин.
Фидокорона ишлаб, жабру қулфатларга ўт очди,
Езибдир халқ учун кўп катта ҳикматли асар Ленин.
Ўқилса ҳар каломин қайда бўлса баҳраманд айлаб,
Очар, ёрқин этар фикрин киши билса агар, Ленин.
Сўраб тун-кун эзилган камбағал бечоралар ҳолин,
Силаб пешонасини ҳар маҳал олди хабар Ленин.
Езиб васфини Мушкин ҳам йўлида шеър нисор этди.
Дебон: «Таъзим қилур сенга мудом шонли бошар Ленин!»

МУШКИН

Ҳикмат дурдоналари

АРАБ МАҚОЛЛАРИ

Мардликнинг тожи — камтаринлик.
Оға-ини — болу пар.
Шамол кеманинг раъйига юрмайди.
Буқа шохидан, одам тилидан.
Хасадгўйнинг шўри — ҳасадгўйлик.
Сабрсиз қашшоқ — мойсиз чироқ.
Яқиндаги душман узоқдаги дўстдан афзал.
Бадавий қирқ йилдан сўнг ўчини олиб: «Шошдим» дебди.
Яқиннинг адовати чаённинг заҳридан ёмон.
Ялқовнинг калласи — шайтоннинг уяси.
Нуқсонсиз дўст қидирган ёлғиз қолади.
Ҳақиқатдан олий нарса йўқ.
Йўлбарс тери ёпинган ботир бўлавермайди.
Қўрқсанг—айтма, айтсанг —қўрқма.
Туя букирлигини сезганда ўтакаси ёриларди.
Шер қафасда ҳам шер!
Аёл муҳаббатини қирқ йил сир сақлайди.
Донишманд адашса, олам қоқиладн.
Нотовоннинг қуроли — шикоят.
Хом хаёл — мевасиз дарахт.
Гапнинг мағзи — мақол.
Қалб кўздан олдинроқ кўради.
Жувонмарднинг юраги — сирларнинг қабристони.
Қаллоб чироғи ёнмас.
Тил-дилнинг таржимони.
Зўраки олим — ёмғирсиз булут.
Бўш қудуқ шудринг билан тўлмайди.
Нодоннинг дили — тилида, дононники — дилида.
Билмаганни севмайсан.

М. Саъдинов таржимаси.

Собир АБДУЛЛА

ЛЕНИН ДАҲОСИ

Ўзи оддий, шароит камтарона.
Жиҳози содда, пок бир-икки хона,
Вале, мазмунда у бир янги олам.
Шу уйда янги маънолар жамулжам,
Териглик ҳар китоб гўё қўшдек,
Сезар кекса қуёш ҳам ўзни ёшдек,
Езилган ҳар асар — бахт офтоби,
Ҳаётнинг офтоб оро китоби.
Ўлашди кечани кундузга Ильич.
Суриштирмас эди кундузми ё кеч,
Тўсолмас эркини ғовлар, оловлар,
На сургун, на қамоқ, на қоптиковлар,
Курашга бошлаб элни, кўрсатиб йўл,
Шу йўлдан борди минг-минглаб қадоқ қўл.
Қилич тортиб, кураш тобора ортиб,
Зулмни тахтдан тобутга тортиб.
Жадал силжиб кураш тобора олға,
Қизарди қон билан ул кўҳна Волга,
Бўялди Нева ҳам қонли қурашдан,
Ёвузлик кўрсатиб ёв ичу тошдан,
Кўриб мағлубият сармоя аҳли.
Булут тарқаб, чекинди соя аҳли.
Қуёш чиқди, сочиб нур инқилобга,
Қуролу найзалар кирди гилофга,
Қуроллар ўрнида болға, ўроқлар,
Газаб ўрнин олиб завқ, иштиёқлар.
Топишди, қўл тутишди ишчи-деҳқон,
Эришди эркка кўкси мисли осмон.
Ва лекин тўхтамай Ленин ёзишда,
Ватанни кўҳна «дард»дан қутқазишда,
Унга малҳам қўйиб, бўлмоқ учун эм,
Ҳаётбахш ҳар китоб — ленинча таълим.
Бўлиб одам дили ундан мунаввар,
Бўлиб олам элига меҳри анвар,
Бу нурдан мамлакат яшнар фаровон,
Ҳаётга йўл топиб, сурмоқда даврон,
Тўлиб диллар аро эрк муддаоси,
Қоронғуга зиё — Ленин даҳоси.

ҲАЗРАТИ ИНСОН

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Раҳмат ФАЙЗИЙ.

БЕШИНЧИ БОБ

Ҳовлида одам борки, жон бор. Девордан тортиб, дов-дарахтгача, ариқдаги сувдан тортиб, уй-айвоннинг устун, тоқисигача, ошхонадан донхонагача, рўзғор буюмларигача — бари одам тафтидан тирик.

Жамол холанинг ҳовлиси ўзи дунёдан кўз юмган кундан буён ҳозиргача, таъзия маросимлари - маъракаларни ҳисобга олмаганда, энди одам оёғини кўриб турибди. Кейинги вақтларда холаси ва почасининг қистови билан Ботиржоннинг истиқомати холасиникида ўтарди. Ҳар замонда зарурат важидан кирарди ишини битириб тезда чиқиб кетарди. Туғилиб ўсган киндик қони тўкилган ҳовли ютиб юборгудек бўлиб кўринар, қўрқаётганини ҳам, сиқилиб кетганини ҳам билолмай қоларди.

Кечга томон бир тўда бўлиб йигит-қизлар, Ботирнинг ўртоқлари-синфдошлари кириб келишди. Айвонга туташ кичик уйга жой ҳозирланган эди, ўша ерга кириб ўтиришди. Салтанат ҳам шулар билан бирга келди, бошқа иложини қилолмади. Унга қолса-ку жон-жон деб бараварқ келарди, хизматда бўларди-я, тағин ўша миш-миш бўлишини ўйлаб, бунга жазм қилолмади. Шундай пайтларда эскича расм-русм туғдирган андишадан ғазабланиб кетарди-ю, аммо уни бузишга ботинолмасди. У меҳмонларни ўтқазиб, ҳовлига чиқди, гоҳ чой баҳона, гоҳ пиёла-сочиқ дегандек. кириб-чиқиб турди. Ошхонага кирди-ю, қарашишга гўшт тўғраётган Меҳриниса-нинг қўлидан пичоқни олишга журъат этолмади.

Йигит-қизлар бундай йиғинларда ҳамма вақт бўлгани каби уйни бошларига кўтариб. ўйин-кулги қилишмасди, эҳтиёж ҳам сезилмасди бунга. Очилиб-ёзилиб гаплашиб ўтиришипти-ю, бироқ суҳбатларига кулоқ солинса ёшлар эмас, кўпни кўрган, ҳаёт сўқмоқларини босиб ўтиб, кўзлари пишиб етилган катта одамлардек фикр юритишарди. Фронтда нима бўляпти? Душман босиб олган шаҳар, қишлоқларнинг ҳоли нима кечаяпти? Кўчириб келтирилаётган корхоналар қаерга қурилади? Одамлар-чи? Гўдаклар-чи? Уларнинг ўйини ҳам, ашуласи ҳам, шеърхонлиги ҳам, аскияси ҳам шу эди ҳозир. Булар орасида повестка келишини кутиб юрганлар ҳам, эртага кетадиганлар ҳам, ҳали ёши етмаган-аммо нима қиларини билмай бошини қотириб юрганлар ҳам бор. Бурнининг тагига кўмир суйкаб, ёғочни от қилиб «Будённий» ўйнаб юрган қўшни болалари ҳам бор шу ерда. Улар пойгакда ерга михлаб қўйгандек қимир этмай бир-бирига суянишиб ўтиришипти. Учаловлари ҳам оғизларини очганча, ағрайиб қолишган.

Қизлар ҳам ортиқча суҳбатга аралашишмай ди.. Ҳар замонда савол ташлаб қўйишмаса, кўпроқ эшитишади. Юраклари увишиб кетаётганини юзларидаги ўзгаришдан, ғунча лабларини гоҳ қимтиб, гоҳ бехосдан тишлаб олишлари, баъзан вахимага тушиб, кўзлари косасидан чиқиб кетай дегани, баъзан хўрсиниб, қовокларини уйиб олишлари-дан билиниб турибди. Салтанат ҳам кирди. Қўлидаги косалар билинар-билинмас титрарди. Дугоналари буни сезишди. Бири дик этиб турib, қўлидан олди. Бошқа пайт бўлганда «ўзингни тут- мунча» дермиди. Ҳозир айтмади. Мавридимас. Салтанатнинг киргандаям, чиққандаям кўзи Ботиржонда. У такир бошига кажлари эзилган эскироқ дўппи кийиб ўтирибди. Боя кириб келишаётганда қизлардан кимдир Ботирнинг сочини олдирагнини кўриб, бехосдан «вой» деб юборувди, Салтанат унга шундай хўмрайиб қарадики, дугонаси лабини тишлаб, ерга қараб қолди.

Ана, қўшни хотин дераздан келиб Ботир билан гаплашди. «Бўйларингдан ўргилай, Ботиржон илоҳи бошинг тошдан устихонинг пўлатдан бўлсин», дея узундан-узоқ фотиҳа қилди. Икки қўлида чойнак билан остонада тўхтаб қолган Салтанатнинг ҳам фотиҳага қўл очиб юборишига сал қолди. Бўлмаса иккала чойнак чилчил бўларди. Ана унда кўринг эди. Салтанатнинг аҳволини .Буни ўзи ҳам кейин сезиб қолди. Ичичидан қойиниб қўйди.

Кўни қўшнилар кириб чиқиб туришибди. Қариндошлар ҳам. Улар босим ўтиришмасди. Айвонда дастурхон ёзилган хонтахта ёнида ўтириб, бир пиёла, кўли билан икки пиёла чой ичишарди. Ботирга омон-соғлиқ тилаб, фотиҳа бериб кўзғалишарди. Меҳриниса ва хизмат қилиб ҳовлида гирвирлаб юрган яна бир-икки аёл чекка-чеккада овоз чиқармай «пик-пиқ» йиғлаб олишар, кўзи тушиб қолган Маҳкам ака ўларни «ҳой» деб босиб қўярди, овозларини чиқартирмасди.

Эшикдан Ориф ота билан Абдуҳафиз кириб келишди. Ҳовли юзида Маҳкам ака билан сўрашар экан:

— Ўғилчани кузатар эканмиз-да, уста,— деди йўғон овозини дўриллатиб Абдуҳафиз.

Маҳкам ака шошиб қолди, икки қўли кўксида меҳмонларни қабққа ўтказишни билмасди. «Ўғилчани кузатамиз...» Раснинг бу гапини ҳамма эшитди. Ботирнинг ўзи ҳам. Маҳкам ака ҳаяжон ичида «кўрдингми, ҳой» демоқчидай хотинига қараган эди, у ҳамон кўз ёшини артиш билан овора экан. «Шунақа пайтларда ҳушёр бўлиб, дарров фаҳмлаб ола қолмайди-да, бетамиз», дея ижирғанди ўзича.

Бу гап Ориф оғасидан чиққанини Маҳкам ака сезиб турарди. Уша айтган раисга. У ҳам ҳушёр йигитмасми, дарров фаҳмлаган. Мана энди, кўп орасида «билиб қўйинглар, ҳов» дегандай гапирди. Оғасига бўлган меҳри ошиб кетди Маҳкам аканинг.

Йигит-қизлар ўринларидан туришгани, Ботир айвонга чиққанини кўрган Ориф ота дераза ёнига борди.

— Кўзғалманглар, болаларим, Ботир, бўтам, қани сен ўртоқларингнинг олдига кир-чи. Биз мана шу ерда ўтирамиз. Бор. Ўзи вақт ҳам бўлиб қолди.

Ориф ота ҳам, Абдуҳафиз ҳам мезбонларнинг қистовига қарамай. ичкарига киришмади, айвонда ўтиришди.

Маҳкам ака шошиб дам нон ушатар. узумнинг яхши бошини меҳмонлар олдига сурар, дам Ориф отанинг орқасига ёстик қўярди. Дамлаб келинган чойни қайтариб кўрувди, кўнгли тўлмади. чойнакни хотинига узатди, дурустроқ дамла дегандай хўмрайиб қўйди. Нима қилсаки, уларнинг кўнглини олса.

Анчагача қовушолмай турган Салтанат энди меҳмонларни бир ўзи эпларди, сира тинмасди. Кўринишда очилиб-сочилиб хизмат қилиб юргани билан дили қоронғи. Эрка деса йиғлаб юборгудай ўпкаси қалқиб турибди. Меҳрининса берган чойнакни Маҳкам ака олдига келтириб қўя ётганида Ориф отага кўзи тушиб, қип-қизариб кетди. Ота ҳам қизнинг ҳолатини сезиб, кўзини ерга олди.

Жўнайдиган вақт бўлиб, ҳамма қўзғалди. Ховли ўртасида турган Маҳкам ака қўлини кўксига қўйиб, Ориф отага қаради, «Ўзингиз бир нима деб юборинг», ишорасини қилди. Буни сезиб турган Абдуҳафиз ҳам маъқуллаб бошини қимирлатди. Ориф ота фотиҳага қўл очди:

— Қасд қилганлар паст бўлсин, ер билан яксон бўлсин. Олғир—олдирмагин, бўтам, омонлик билан дийдор кўришайлик!

Ботир аёллар билан бир-бир хайрлашди, ҳаммалари бағриларига босишиб, пешанасидан ўпиб, яхши ниятлар қилаб қолишди. Меҳриниса ҳарчанд уринмасин, ўзини тутиб туролмади, Ботирни бағрига босиб юм-юм йиғлаверди. Ботирнинг ҳам кўзларига ғилт-ғилт еш келдию ўзини зўрға босди.

— Йиғламанг, хола, бўлди,— деёлди холос, бир амаллаб унинг кучоғидан чиқаркан.

Маҳкам ака Ботирнинг буюм халтасини кўтариб олган эди, Ориф ота йигитларга ишора қилди:

— Юкини буларга бе-ринг, уста. Аёллар қолишсин. Ҳали, ким билади қай вақтда жўнашади. Уриниб қолишади. Ўзингиз ҳам қолаверинг, уста. мана, ўртоқлари кузатиб қўйишади.

— Аёллар майли қолишсину мен бораман, оға.

— Маъқул, маъқул. Хайр, болам,— Ориф ота Ботирни бағрига олиб, пешанасидан ўпди.

Йигит-қизлар Ботирни ўртага олиб, кўчага чиқишди. Эшикларидан чиқиб турган қўшнилар Ботирга ок йўл тилаб, ҳайр-хўшлашиб қолишди.

Болалар адабиёти

ҚУРУМСОҚ

ЭРТАК

Бор эди, бир қурумсоқ,
Худди аччиқ саримсоқ.
Беш келини бор эди.
Аммо кўнгли тор эди.
Эртаю-кеч ҳар куни
Янграр эди шовқини:
—Мени расво этдинглар,
Хароб қилиб кетдинглар.
Исканжада беш келин,
Чурқ эткизмас ҳеч бирин.
Чол бир гугуртни чақар,
Беш ўчоққа ўт ёқар.
— Гугурт азиз, билинглар,
Пулга келар, келинлар!
Ош қилса тузни аяр,
Ёғни тежаб, жилмаяр:—
—Серёғ бўлса ош,— деяр,—
Дарров меъдага тегар!
Жанжал бошлар чол ҳар гал:
—Чироқ ёқманг ош маҳал..
Ўтнинг тафти етади,
Бекорга пул кетади!
Бир куни ёғди ёмғир,
Сув оқди гулдур-гулдур,
Чол бозорга йўл олди,
Йўлда ўйланиб қолди:
—Гугурт донасин санаб,
Кедмабман-ку пухталаб.
Келинларга қолса кун,
Кувдузгинам бўлар тун.
Уйим қуяди бунда..
Уйга қайтди тез шунда.
Ирғанди қир сойлардан,
Кечиб ўтди лойлардан.
Уйга келди толиқиб.
Кампир деди ҳовлиқиб:
— Не бўлди, тинчликми, чол?
Чол деди: — Бу қандай ҳол?
Бу нима қилган нағманг,
Ҳаддан ошибсан ҳамманг!
Исроб бўбди бир гугурт,
Куйибди ҳонаю юрт!
Кампир деди:— Қурумсоқ,
Гапимга сол сен қулоқ:
Лой кечибди калишинг.
Ноўринку бу ишинг!
Чол кулиб дебди:— Нодон,
Сенлар қийнатмайсан жон!
Йўлда калишни ечдим,
Оёқ яланг лой кечдим!
Бошим бор-ку бўйнимда,
Мана, калиш қўйнимда!
Шундай экан қурумсоқ,
Худди аччиқ саримсоқ.

Шукур САЪДУЛЛА.

САМАРҚАНД ЛАВҲАЛАРИ

РАССОМ Н.АЛИЕВ АЛЬБОМИДАН

Самарқанд ҳақида сўз кетганда машҳур тарихчилар уни жаҳондаги энг қадимий шаҳарлар қаторида тилга оладилар. Бу бежиз эмас. Афросиёб тепалигида, шаҳар марказидаги боғ-кўл ёнида ва шаҳар теварагида топилаётган нарсалар ҳақиқатдан ҳам бу ажиб масканнинг тарихи жуда узоққа бориб тақалишидан дарак беради.


Республикамиз меҳнат кашлари Ўрта Осиёнинг қадимий маданий шаҳарларидан бири бўлган Самарқандининг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик кўрмоқдалар. Аждодларимизнинг ўткир ақлу заковати моҳир қўли билан яратилган асарлар гувоҳи бўлган муаззам обидалар ўзининг асли ҳолига келтирилмоқда.

Ўзи жуда қадим, аммо ҳамиша навқирон. Шоир Ғафур Ғулом айтганидай, Ўзбекистон учун Ленинград бўлган бу шаҳар азим ўз шуҳратн, шону шавкати билан шоирлар ва бастакорларга, рассомлар ва бошқа санъат аҳилларига илҳом бағишлаётмр.

Рассом Нурн Алиев ҳам «Самарқанд лавҳалари» сериясида бир туркум асарлар ижод қилдн. Ижодкорнинг асарларида шаҳарнинг жаҳонга машҳур бўлган қадимий маданий обидалари ҳам янги Самарқандни янада гўзал қилиш учун ўз меҳнати ва истеъдодини аямай сарфлаётган олижаноб кишилар ҳам акс эттирилган.







БИР ЯРИМТА КАРИМ

(Ҳазил)

Бир синфда ўқийдн Иккита Карим.
Биттасин тўла дерлар, Биттаси ярим.
Ҳайрон қолдим росвям Бундай лақабга.
Билиш учун бир куни Бордим мактабга,
Ярим Карим кимдир? — деб Сўрадим аста.
Ярим Карим деганн, Жуда барваста.
Селитра егандай Роса ғовлаган.
Ярим дейиш ноўрин Шундай гавдага.
Ярим дейишларига Бор бошқа асос:
Гавдасимас ишига Қилишган қиёс.
Китоб, дафтар йиртилиб, Бўлибди ярим.
Бунга парво қилмаскан Ғовлаган Карим.
Тўла Карим деган-чи Кичкина ушоқ,
Ўқиш, иши жойида, Жуда тиришқоқ.
Демак, у ерда ўқир Бир ярим Карим,
Гапнинг мағзини чақинг Энди дўстларим.
Ярим дейишларига

Пўлат МЎМИН.

Болалар адабиёти

Телефон ҳикоя

Нега!

— Ҳеч ким йўқ,— деб унинг ўрнига жавоб берди бувмси, — Нурилла аканг самаркандроп кетган. Муҳаббат холанг ишга жўнаётганда соғ эди. Гули энди мактабга отланаётганда, бирдан кўнгли ағниб бошига оғриқ кирди. Кўзи ёшланиб, акса урди. Кейин иситман оташ бўлиб ёнди. Евгон хўрда қилиб берсам, ичмади...— Анзират бувн бошқа ёққа чалғиб кетганини сездн шекилли, яна бояги гапга қайтди.— дўхтур чақиришга ҳеч ким йўқ. Анови аптамат тилпондан сим қоқишни мен кампир қайдан билай! Балки...— Анзират бувн нима демоқчи бўлганини дарров тушуниб, Гулчеҳрага қарадим. У киприкларини қимирлатиб, кампирнинг гапини маъқуллади. Уримдан туриб ботинкамни киявётганимда Анзират бувн бир талай чақа кўтариб чиқди:

— Ол. керагини ол, болам.

Кампирнинг бурушган кафтидаги майда пуллан иккита икки тийинликни ажратиб олаётиб, юрагим орқамга тортиб кетди.

— Йўқ, ўзимда бор...

— Ундай қилма.

— Ўзимда бор, дедим-ку,— кўча эшикка чиқ қанимда айтган бу гапимни кампир эшитдими, йўқми, билмайман.

Нишабқулоқ томонга бир неча қадам тез-тез юриб тўхтадим. «Нима қиламан бориб! Автомат-телефон ишламайди. Ишламаслигининг сабаби...»

Кеча мактабга буфетчи келмади. Дадам берган йигирма тийин сарфланмади. Олдинги кунда ҳам ўн тийин ортиб қолганди. Ҳаммаси ўттиз тийин.

— Даврон,— дедим ўқишдан қайтаётиб,— менда ўттиз тийин бор, нима оламиз!

— Менда ҳам қирқ тийин бор,— деди синфдошим мақтаниб,— кинога бормаймизми!

— Қаерга!

— Қаергалигини-ку билмайман, лекин мана буни қара,— Даврон қўлимга «Кино ҳафталиги»ни узатди. Кейин қўшимча қилди,— Санъат саройида «Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари» кетаётган экан.

— Соат нечада бошланаркан!— деб сўрадим.

— Билмадим, телефон қила қолайлик...

— Рост айтасан.

Нишабқулоққа келиб. автомат-телефон будкасига кирдик. Даврон икки тийин ташлаб, Санъат саройининг номерини терди. Ҳадеганда жавоб бўлмади. Яна терди, яна «дуд-дуд». Яна, яна... Охири жаҳлим чиқди. Даврониинг қўлидан олиб бир силтаган эдим, қутисининг қулоғига тақиб қўйган сими узилиб, трубкаси қўлимда қолди. Секин жойига қўйдик, у ёқ-бу ёққа қараб будкадан чиқдигу ҳеч ким кўрмасин деб ўйимизга қуён бўлдик...

Телефонни албатта тузатишмагандир. Нима қилиш керак! Уйга кетаверай десам, Гулчеҳра бу аҳволда. «Тез ёрдам» чақирай десам телефон... «Жаҳлим қурсин!» деб қичқиргим келди шу пайтда. Лекин нимa фойда! Бари бир эшитмайди.

Нима бўлса ҳам чақириш керак. Гулчеҳра илҳақ бўлиб кутиб ётибди. Бебошликнинг жазоси битта: энди Оқтепагача пиёда чиқиш керак. Тўрт бекат. Уша ерда кичик станция бор. «Тез ёрдам»ни бошлаб келиш мумкин.

Терлаб-пишиб Оқтепа томонга югурар эканман. «Бундан оғирроқ касаллар нима қилдийкин! Бирон ерга ўт кетса-чи! Унда нима бўлади! — деб ўйлардим.

Н. ОРИФЖОНОВ.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Жаҳон ойнаси

ЖОСУСБОЗЛИК ЭПИДЕМИЯСИ

Ғарбий Германияга эпидемия тарқалди. Тиф ёки грипп ҳақида гап бораётгани йўқ. Касалликнинг номи — жосусбозлик. Майда-чуйда газеталардан тортиб ҳафталик газета «Шпигель»гача федератив республикада афсонавий жосусларнинг фаолияти ҳақидаги уйдирмаларни босиб чиқармоқда.

Бу кампаниянинг ўз сабаби бор. Бони ҳукмрон доиралари Ғарбий Германия разведка ва контрразведкасини кучайтириш ва уларнинг ваколатини кенгайтириш юзасидан кўрмоқчи бўлган чораларини амалга ошириш учун бир баҳона топишлари керак. Шу сабабли газеталарда жосусбозлик ҳақидаги гаплар авж олиб кетди. Бони маъмурлари нима қилмоқчи бўлаётганлари ҳақида бундастагининг тергов ишлари бўйича комитети киритган таклиф тасаввур беради. Уларнинг таклифи, жумладан, қуйидагиларни кўзда тутади.

—разведка ва контрразведка ташкилотларининг бюджетини кўпайтириш ва уларнинг штатини кенгайтириш зарур;

—ҳукумат Ғарбий Германиянинг учта махфий хизмати —конституцияни муҳофаза қилиш бўйича федерал идора, бундесвер ҳарбий контрразведкаси ва федерал разведка хизмати фаолиятини контрол қилиш ва маслаб боришни дарҳол махсус министр ёки статс-секретар зиммасига юклаши керак;

— конституцияни муҳофаза қилиш бўйича федерал идора бош контрразведка органи ҳамда Бони тузуми мухолифларига қарши қурашда марказ бўлиб қолмоқи керак; шу вақтга қадар маълум автономия ҳуқуқини сақлаб келаётган вилоятлардаги тегишли органларни оператив жиҳатдан ана шу федерал идорага бўйсундириш керак.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, бундан минг йилдан ортиқроқ вақт олдин Уралдан ғарб томон юрган венгер кўчманчилари Дунай ва Тисса дарёлари оралиғига келиб тўхташган. Уларни бу ерларнинг гўзаллиги мафтун қилган. ажойиб ҳосилдор ерлар ва душмандан сақланиш имконини берадиган Карпат тоғи маъқул бўлган. Айтишларича, кўчманчиларнинг князи Арпад Дунайнинг Чепель оролини тез-тез томоша қилишни яхши кўрган.

«...Арпад ўз яқинлари билан оролга тушди. Улар бу оролни жуда севиб қолишиб, шундай қарорга келишди: орол князимизга қарашли бўлсин ва бу ерда қўрғон ва қишлоқ бўлсин. Князь Арпад дарҳол усталарини чақириб, ўзига улкан уйи қуришни буюрди. У ўзининг доно йигитларидан Чепель исмли йигитни ўзига отбоқар қилиб тайинлади. Шунинг учун ҳам орол ҳозир ҳам Чепель номи билан юритилади».

Бундан бирнеча юз йил аввал князь отбоқарлари ва шоҳнинг ўрмон хўжалиги мудирлари, деҳқонлар ва соҳибкорлар крепостной ва йўқсил батраклар, трубасидан тутун бурқсиб чиқиб турадиган заводнинг ишчилари меҳнат қиладиган Чепель ороли ҳақида солномачи ана шундай деб ёзган эди.

Эндиликда Чепель ва металл сўзлари бир-биридан ажратиб бўлмайдиган тушунчалардир. «Чепель» сўзи тилга олинганда бизнинг кўз ўнгимизда қуюв печларида учқунлар сачраб турганн, гигант прессларнинг қудратли товуши намоён бўлади. 40 минг киши меҳнат қиладиган Чепель металлургия комбинати Венгрия саноатининг фахри бўлиб қолди. У кўпгина мамлакатларга машиналар ва турли хил ускуналар етказиб беради. Халқ ҳукуматининг 25 йили мобайнида бу ерда қатор янги корхоналар — қоғоз комбинати, мовут комбинати, ўсимлик мойи ва ювиш воситалари ишлаб чиқарадиган завод қурилди. Бу корхоналар Чепелнинг шуҳратини янада ошириб юборди. 30 мингдан ортиқ киши меҳнат қилаётган бу корхоналар ўтган йили республикага қарийб миллиард форинт ёки металлургия комбинати қанча фойда берган бўлса шунча фойда берди.

Биз учун Чепель ва революция тушунчаси ҳам ажралмасдир. Пролетар маркази 1919 йилда революция бешиги бўлди. Венгрия Совет Республикаси шу ерда туғилди. Шундан бери биз Чепелни қизил деб атайбошладик.

Чепелнинг қишлоқдан 90 минг аҳоли яшайдиган обод шаҳарга айланганига анча бўлди. Замонавий турар-жой массивлари, чиройли жамоат бинолари, мактаблар, маданият уйлари унинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Орол территориясини турли томонларга қараб кетган асфальт магистраллар кесиб ўтган. Шаҳар марказининг ўзига ҳос қиёфаси юзага келяпти. Илгариги сомон уйлар ўрнида 8-10 қаватли бинолар барпо қилиняпти.

Бугунги чепелликлар оролларини ўз пайтида князь Арпад севганидан ҳам кўпроқ севадилар. Район советида бу ерда кўпчилиги Чепелда униб ўсган кишилардир. Узоққа бормай ўша Шандор Борбейнинг ўзини олайлик: у дастлаб металлургия комбинатида слесарь - асбобсоз бўлиб ишлади, кейин эса комсомол йўлбошчиси бўлди. Ўз ороллариннг ватанпарварлари бўлган чепелликлар оролнинг такрорланмас гўзалликларини, кишилар ўртасидаги дўстлик ва иноқликни сақлашга ҳаракат қиладилар.


Кишилар ҳам Чепель орол эмас, уларнинг ўз қийинчиликлари ҳам бор. «Вейс-Манфред» заводининг хўжайинлари оролни ободонлаштириш ҳақида унчалик қайғурмадилар. Мана 20 йилдирки, бу ерда пойтахтнинг марказий районларига нисбатан, қолоқликни тугатиш учун жуда кўп иш қилиняпти. Турар жой қурилиши жуда кенг миқёсда олиб борилаётганига қарамасдан, ҳали ҳамма ҳам қулай ва шинам турар-жойлар билан таъминланган эмас. Мамлакат озод қилингунга қадар оролда иккита мактаб бор эди. Ҳозир икки сменада ишлайдиган 12 та саккиз йиллик мактаб, 3 та ўн йиллик мактаб бор. Шунга қарамасдан, мактаб биноларн етишмаяпти. Худди шу сабабли ҳам мактаб қурилиши биринчи даражали вазифа қилиб қўйилган.

Районнинг ривожланиш суратлари мунтазам ошиб боряпти. Яқин йиллардаги истиқбол ҳам қувончли. Яна ўн йилдан кейин, деб тахмидлайди Шандор Борбей, орол аҳолисининг кўпчилик қисми замонавий қулайликларга эга бўлган янги уйларда яшай бошлайдилар. Металлургия комбинати атрофида яшил зона барпо қилинади, Дунай соҳиллари кўп километрга чўзилган паркка айлантирилади. Ватман қоғозига замонавий катта социалистик шаҳар — Будапешт йўлдошининг кўриниши туширилган. Қизил Чепелнинг чироқлари келажакни ёритиб турибди.

Габор САТМАРИ,
Венгер журналисти.
Будапешт.

Социалистик мамлакатларда

ЧЕПЕЛЬ ЧИРОҚЛАРИ



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ
Суратда: Будапештдаги опера театри зали.

Инсонпарварлик иши

ХАНОЙ, (ТАСС). Вьетнам информация агентлигининг бу ерда тарқатилган ахборотида айтилишича, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг инсонпарварлик сиёсатига асосланиб, Вьетнам Халқ армиясининг бош сиёсий бошқармаси АҚШнинг миллий байрами-мустақиллик куни муносабати билан Шимолий Вьетнамда ушлаб олинган уч америкаликни бўшатиб юборишга қарор қилди. Вьетнам Демократик Республикасида қўлга тушган америкаликларга ўз оилаларидан посилка олишга ҳам рухсат берилди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

ИЮЛЬ — ҚИЗҒИН СПОРТ ОЙИ

Спорт Спорт

Бу ойда қизғин учрашувлар, кўп матчлар бўлади. Айниқса, жуда кўп Бутуниттифоқ мусобақалари, мамлакат чемпионати, турли хил спартакиадалар ҳам шу ойда ўтказилади.

Пойтахтда ўн кун давомида Марказий шахмат-шашка клубида республиканинг кучли 50 дан ортиқ ёш шахмат-шашкачилари мусобақаси бўлади. Бу қизғин учрашув шахмат-шашка мухлисларига манзур бўлади, албатта.

«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти эса Республика Совети ва профессионал техника билим юрти ўқувчиларининг анъанавий XVI республика спартакиадасини ўтказади.

Ёш спортчилар Арманистонда Бутуниттифоқ XI спартакиадасида республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилишлари лозим. 19 июнда Европадаги Марказий стандионда спартакиаданинг тантанали очилиш маросими бўлади. Ҳамшаҳарларимиз программадаги спортнинг 21 тури бўйича қизғин тайёргарлик кўришяпти.

Республика шашкачилари биринчи марта 3-14 июль мобайнида Челябинск сафарида мамлакат командасининг биринчилигида иштирок этишяпти.

Сузувчи спортчиларимиз 16 июлда Харьковда ўтказиладиган СССР биринчилигида ўз маҳоратларини намойиш этишади. Худди шу куни Москвада эшкак эшиш бўйича СССР кубоги мусобақалари голиби ҳам аниқланади.

Москвада 10-20 июлда чавандозлар, 25-30 июлда замонавий беш курашчилар куч синашади.



ПРЕДМЕТСИЗ МАШҚ...

МАТЧЛАР, МУСОБАҚАЛАР

ФУТБОЛ

«Политотдел» колхози футболчилари Вильнюснинг «Жальгирис» футболчиларига 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бу мағлубият пешқадамлар сафига чиқиб олган қишлоқ спортчилари олдидаги вазифани яна қийинлаштирди. Республиканинг яна икки командаси «Нефтяник» ва «Зарафшон» ўз майдонида яхши ўйнадилар. Фарғона футболчилари «Мешахте» командасидан навоийликлар эса Кировобод динамочиларидан икки очко олдилар.

ВОЛЕЙБОЛ

Уральск шаҳрида 1955-56 йилда тугилган мактаб ўқувчиларининг «Кумуш тўп» соврини учун Бутуниттифоқ волейбол мусобақалари бўлди. Бу мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Тошкентдаги 40-мактаб ёш волейболчилари фахрли 18 командa ўртасида бешинчи ўринни олишди.

СССР кубоги учун

СССР футбол федерацияси СССР кубоги учун ўтказиладиган чорак финал учрашувларнинг вақтини белгилади. 14 июлда Воронеж шаҳрида маҳаллий «Труд» футболчилари Львов шаҳрининг «Карпати» командасини қабул қиладилар. Эртаси куни кубок эгалари — Москва торпедочилари В. И. Ленин номидаги Марказий стадионда «Судостроитель» (Николаев) футболчилари билан учрашадилар.

17 июлда Ростов армиячилари ўз майдонларида Москва динамочилари билан куч синашадилар. Шу куни пойтахтда яна бир учрашув бўлиб ўтади. Майдон эгалари — армиячилар Киев динамочиларини қабул қиладилар.



ҚОИДА БУЗИЛДИ. СУДЬЯНИНГ ҲУШТАГИ ЧАЛИНИШИ БИЛАН ФУТБОЛЧИЛАР ЎЗ ЖОЙЛАРИГА БОРИШГА ШОШИЛАДИЛАР...

Н. Надеждин фотолари.

ТИНЧ ОКЕАНИГА ВЕЛОСИПЕДДА

Маҳаллий спортчи Равиль Мамашев Тошкентдан Тинч океанга велосипедда жўнаб кетди. Унинг маршрути Фрунзе, Олмаота, Барнаул, Новосибирск, Иркутск, Хабаровск, Владивосток шаҳарлари орқали, Тянь-Шань, Яблоневий, Сихотэ-алинь ва бошқа тоғлардаги неча ўнлаб довонлардан ўтади. Тошкент комсомолларининг вакили йўл-йўлакай В. И. Ленин сургун қилинган Шушенское қишлоғида бўлмоқчи, шунингдек Даманский оролини ҳимоя қилган қаҳрамонлар ҳузурига бормоқчи.

Равиль 28 ёшда. У бундан тўрт йил аввал Тошкент физкультура институтини тугатган, сузишдан дарс беради, спортнинг олти тура билан шуғулланади. уларнинг қўлари бўйича юксак разрядлари бор. Бўш вақтларида музика ва расм чизиш билан шуғулланади. сайёҳнинг сафар халтасида фотоаппарат билан мольбер бор; йўл-йўлакай тўхтар экан В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти билан боғланган жойларни, шунингдек зарбдор комсомол қурилишларини ҳамда бу қурилишларда ишлаётган Ўзбекистон комсомоли вакиларини суратга олиш ва расмини ишлаш ниятида-дир.

Спортчи Тинч океанга Харьков вилоят заводининг велосипед пойга машинасида жўнаб кетди. У шу машинада бундан икки йил аввал Ўзининг уч ўртоғи билан Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига Тошкентдан Москвага бирinчи марта узоқ сафар қилган эди. Ҳозирги 9 минг километрлик маршрутни Равиль ҳар куни ўрта ҳисобда 150 километрдан юриб бир юз ўн кунда босиб ўтмоқчи. У ўзининг бу велосипед сафарини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлашга қарор қилди.

(ҲзТАГ).

Радио

7 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ислоҳот ва резервлар» деган эшиттириш (русча). **18.10** «Ленин ҳақида куйлаймиз» деган концерт (русча). **19.20** Куйлардан — қўшиқларга (Ўзбекча). **20.00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **20.40** Ешлар учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Қишлоқ меҳнаткашларн учун концерт. **23.30** «ФУТБОЛ. «ТОРПЕДО» (Москва) — «ПАХТАКОР» Москвадан олиб эшиттирилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 И. Ҳамроев. Чанг ва оркестр учун концерт. **19.30** «Юлдузлар порлаганда» деган эстрада-рақс концерти. **20.00** В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (тожикча). **20.30** «Саҳҳат-саломатлик» радиожурнали (русча) **21.00** Ғайратий. нинг «Фурқат» поэмаси асосида радиомонсценировка (Ўзбекча).

8 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** Наф тароналари. **8.25** Ленин ҳақида, партия ҳақида куйлаймиз. **9.30** В. Гиенко. Украин сюитаси. **10.30** Наманган область театри артистларининг концерти. **11.15** «Фан оламида». Фалсафа фанлари кандидати Н. Эшматовнинг «Биологик ритмлар ва инсон» деган суҳбати (Ўзбекча). **11.30** А. Айвазян. Виолончел ва оркестр учун концерт. **13.30** «Ёз куни» эстрада концерти **15.15** «Замондошимиз» деган адабий эшиттириш (русча). **15.30** Ҳамза «Холисхон» радиоспектакли (Ўзбекча). **16.00** «Ўзбекистон» композиторларининг ижоди. Ш. Рамазонов. **16.50** «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Галла — давлат омборларига». Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги дон экинлари бошқармасининг бошлиғи И. И. Кузьмин суҳбати (русча). **18.10** А. Кулиев «Туркманистон» кантатаси. **19.20** Халқ ҳофизлари концерти (Ўзбекча). **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** Ешлар учун концерт. **21.00** «Ленинном» программаси (русча). **21.30** Куйлар. **22.20** В. Мейер. Ўзбек халқ темаларидаги сюита. **22.40** Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. Ғ. Ғулом. «Афанди ўлмайдиган бўлди» ҳикояси (Ўзбекча).

23.15 «Дам олиш соатида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Рус халқ қўшиқлари ва рақслари. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 Б. Бойқобилов. «Самарқанд ушшоғи» радиокомпозицияси (Ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** Қорақалпоқ композиторларининг асарлари. **20.50** «Кўриқ ер романтикаси». Қозоғистон радиосининг эшиттириши (русча). **21.00** Зулфия. «Уни Фарҳод дер эдилар» поэмаси асосида радиомонсценировка (Ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Ш. Рашидов. «Кашмир қўшиғи» радиопостановкаси (Ўзбекча). **14.30** В. Райчев: «Мавзолейнинг ёшлиги» операттасининг монтажи.

18.00 «Бригантина елканларни кўтаради» деган романтик поэма.

Телевизор

7 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. **18.35** Болалар учун. «Кўёш, ҳаво ва сув» (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.55 Телевизион янгиликлар. **19.10** Совет Армияси жангчилари учун. «Қаҳрамонлар ва қаҳрамонликлар». **19.30** «Жанговар қалам». Жанговар плакатнинг 10 йиллигига бағишланган эшиттириш. **20.00** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20.10 Телевизион янгиликлар. **20.25** Ватан хирмонига. **20.45** «Пропагандист» тележурнали. **21.15** Телевизион театр. В. Кочетов. «Ака-ука Ершовлар». Телеспектакль биринчи қисмининг премьераси. **22.55** КИНОЛЕНИННОМА. «1905 йил».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ.

Ўзбек тилида: 18.00 Ўқишга марҳамат! **18.30** Абитуриентлар учун физикадан машғулот. **19.00** Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Инсон ва дин. **20.45** «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.15** Зангори экран ҳафталиги. **21.30** Интервидение. Кремль Съездлар саройидан Москвада VI Халқаро кинофестивалининг тантанали очилиши олиб кўрсатилади. **22.30** СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 5-сериями. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **24.00** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Тожик тилида: 18.00 Экран — болаларга. **18.30** «Жаҳон кўзгуси». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида: 19.00 Янгиликлар. **19.15** «Факель». Тележурнал. **20.00** «Учинчи шоҳ қаерда?» Бадиий фильм. **21.25** «Тарих анъаналари».

Тожик тилида: 21.45 Янгиликлар. **22.00** Саҳна чироқлари.

8 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. **13.15** «Оперетта санъати». Ференц Легар. **14.45** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун эшиттириш. **15.15** «Пионерия» телевизион агентлиги. **15.45** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. **18.50** Кичкинтойлар учун. Эртаклар. **19.10** Стандарт — давлат кормаси. **19.30** Польша Халқ Республикаси кинофестивалининг қатнашчилари студиямиз меҳмонлари.

Ўзбек тилида: 20.30 Пойтахтимиз меҳмонлари. «ҒУРБАТДА ҒАРИБ» (Махтумқули). Огаҳий номидаги Хоразм область театрининг спектакли олиб кўрсатилади. Тапаффус вақтида телевизион янгиликлар. **22.50** «Турмуш ва маданият» тележурнали.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 18.00 Ўқишга марҳамат! **18.30** Абитуриентлар учун физикадан машғулот.

19.00 Абитуриентлар учун математикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Интервидение: «Халқ тасвирий санъат усталари». **21.00** СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Биродарлар». **21.30** Таллин ГРЭСи қурилишидан репортаж. **22.00** «Экспо-70». **22.30** СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 6-сериями. **23.30** «Вақт информацион программаси. **00.15** СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Экран усталари». Кинорежиссёр Ежи Кавалерович. **01.30** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Дўстимга хат». Кинофильм. **20.10** Классик музика саҳифаларида.

Рус тилида. 20.50 «Сопот-67». Телефильм. **21.35** «Суиқасд». Бадиий фильм.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8 [VII] да Аяжонларим, 9 [VII] да Парвона.

Кино

7 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фредди! — «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқуруи).

Минг имкониятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Париж — Варшава визасиз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10,40 минутда бошланади)

Аввал сен ур, Фредди! — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Минг имкониятдан бири — «ХЕВА».

Ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган қотиллик — НАВОИЙ номли.

8 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фредди! — «ЧАЙКА», «НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруи).

Минг имкониятдан бири — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Париж — Варшава визасиз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10,40 минутда бошланади)

Аввал сен ур, Фредди! — «ФЕСТИВАЛЬ», ТЕЛЬМАН номли.

Минг имкониятдан бири — «ХЕВА».

Ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган қотиллик — НАВОИЙ номли.

Реклама ва эълонлар

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 7 ИЮЛЬ, 1969 й.
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета
БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33 33-29-09 масъул секретарлар — 33-27-22 партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42 адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55 хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57 саноат транспорт, қурилиш бўлимлари — 33-27-03 ахборот бўлими — 33-65-57 эълонлар бўлими — 33-81-42.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри
НАШР 2793 Р. 14420
Индекс 64579.